

Оғриқлар қумга, яхшиликлар харсангтошга...



13:36 / 28.05.2025 1379

Икки дўст саҳродан ўтиб боришарди. Сафар асносида ўрталарида келишмовчилик юзага келди. Бири иккинчисининг юзига тарсаки туширишгача борди. Юзига тарсаки туширилган дўст оғринди, лекин бир оғиз сўз демади, қумга «Менинг энг азиз дўстим бугун юзимга тарсаки туширди» деб ёзди. Шундан сўнг иккиси ҳам йўлда давом этиб, яшил воҳага етиб бордилар. Икки дўст ўша ердаги қўлда чўмилишга қарор қилдилар. Юзига тарсаки урилган йигит лойга ботиб қолди ва чўкиб кетишига сал қолди. Лекин Аллоҳ таолонинг изни билан дўсти уни қутқариб қолди. Чўкишдан қутилиб қолган йигит ўзига келгач, харсангтошга «Дўстим бугун менинг ҳаётимни қутқариб қолди» деб ёзди. Шунда тарсаки туширган ва чўкишдан қутқариб қолган дўст шеригидан: «Сени урганимдан сўнг қумга ёзгандинг, ҳозир харсангтошга ёздинг, нечун?» деди.

Шунда дўсти: «Бизга бирор киши озор берганда, шамол келиб ўчириб кетиши учун уни қумга ёзишимиз керак. Шамол эсганда, ёзувни беркитиб ташлайди. Лекин бирор инсон бизга яхшилик қилса, уни харсангтошга ёзишимиз керак. Шамол эсишига қарамай ёзув доим қолади. Оғриқларимизни қумга, яхши тажрибаларни харсангтошга ёзишни ўрганайлик» деди.

«Вазиятларни бошқариш санъати» китобидан

